

Профилактик дезинфекция ишлари учун тузилган

ШАРТНОМА № 12

Навбахор т.

« 2 » « февраль » 2022 йил.

Навбахор дезинфекция станцияси (кейинги матнларда «Иш бажарувчи» деб юритилади) номидан раҳбар Болибеков Р.Э, Республика Президентги ва Вазирлар Маҳкамаси Фармони ва Қарорларига ҳамда қорхона низомини асосланган ҳолда бир томондан ва иккинчи томондан

4-сан Билалер мусича ва санъат сектори
(Бундан кейин матнда «Буюртмачи» деб юритилади) Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар
Э.Ортиқов ушбу шартномани куйидагилар тугрисида тuzддилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Ушбу шартнома буйича «Иш бажарувчи», «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан объектларда профилактик дезинфекция (фавқулодда ҳолатларда эпидемиялар ва касалликлар тарқалишини олдини олиш буйича хизматларини ҳамда ишларни), дезинсекция ва дератизация ишларини амалга оширишни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларини қабул қилиб олиш ва уларга ҳақ тулаш мажбуриятини уз зиммасига олади:

1.2 «Иш бажарувчи» ва «Буюртмачи» учун: (бажариладиган ишнинг номи, микдори, марқаси, артикули)

№	Бажарилган иш номи	Улчов бирлиги	Физик майдон (бир марталик)	Оператив майдон	Нархи (1 М кв)	Суммаси
1	Эпедемия ва COVIDни олдини олиш буйича Дезинфекция	М кв		1930	258,98	499831-40
	ЖАМИ:					499831-40

ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 2.1 «Буюртмачи»нинг хукук ва мажбуриятлари.
- 2.1.1 Ушбу шартнома учун маъсул шахсни тайинлаш ва маъсул шахсга ахлат камераларини санитария ҳолати, қорхона худудини тозаллиги, объектни текшириш ва ишлов беришда ҳамроҳ булиш, ҳамда бажарилган ишлар буйича тегишли хужжатларни расмийлаштириш вазифасини топшириш;
- 2.1.2. Ишлов берилаётган объектларда барча техника хавфсизлиги чораларига амал қилинишини таъминлаш (кулланиладиган дез. моддага нисбатан) «Иш бажарувчи» нинг талабиги асосан дезинфекция тадбирларини ўтказиш учун объектларни вақтинча ёпиш жадвалини топшириш;
- 2.1.3. Биноларни ишлов бериш учун уз вақтида ва сифатли тайёрлаш.
- 2.1.4. Хурақлар қуйиш учун зарур бўлган мосламаларни тайёрлаш ёки сотиб олиш (назорат майдончалари, трубкалар, хурақ яшиқлари ва х.к.) «Буюртмачи» худудида уларни йўқолиб қетмаслигини таъминлаш;
- 2.1.5. Барча хоналарга кириш имконини таъминлаш, уларни ёритиш, электр хавфсизлигини таъминлаш, ертулаларни сувдан тозалаш ва қуритиш, зинапояларни туткичларини, полларни таъминлаш ва бошқа техника хавфсизлиги ва муҳофаза қилиш шароитларини таъминлашни;
- 2.1.6. Дератизация ўтказувчи шахслар учун ишлашга қулай шароит яратиб бериш учун девор томондан камидан 70 см. Очик жой қолдириш, стеллажнинг пастки томони ердан камидан 25 см. Юқори булишлиги, тешик ва қовакларни беркитиб ташлаш учун материал ва ишчи кучи билан таъминлашни.
- 2.2. «Иш бажарувчи»нинг хукук ва мажбуриятлари
- 2.2.1. Профилактик дезинфекция ишларини олиб бориш Ўзбекистон республикаси ССВ томонидан руҳсат этилган дезинфекция моддаларни қуллаш;
- 2.2.2. Руҳсат этилган ва амалда қулланилаётган тавсия методик курсатма ва йуриқномаларга асосан ишлаш;
- 2.2.3. «Буюртмачи»га ишлатилаётган дез.моддалар ҳақида ва эҳтиёт булиш чораларни қуриш буйича тушунтириш ишларини олиб бориш;
- 2.2.4. «Буюртмачи»га худудида кемирувчи ва хашоратлар тарқалишига омил буладиган шароит ва сан. Техник қамчиликларни йўқотиш йул-йуригини тушунтириш;
- 2.2.5. «Буюртмачи» нинг объектига кемирувчи ва хашоратларнинг кириб қелишининг олдини олиш мақсадида профилактик текширув ва ишлов бериш;
- 2.2.6. Кемирувчи ва хашоратлар борлиги аниқланган тақдирда уларга қарши жадал қураш ишларини олиб бориш;
- 2.2.7. Кемирувчилар сонини (дезинфекция ишлари амалга оширилгандан сунг қулланмага асосан 3 ой муддатда), хашоратлар сонини (камида 6 ой муддат ичида) энг кам микдорга етказиш.